

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ, ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ ВА СУД
ТИББИЁТИ КАФЕДРАСИ**

МАЪРУЗА МАТНИ

**СУД ТИББИЁТИ ФАНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.
СУД ТИББИЁТИ ФАНИ ВА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА
ХИЗМАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ПАЙДО БЎЛИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Маъруза номи: «СУД ТИББИЁТИ ФАНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ. СУД ТИББИЁТИ ФАНИ ВА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ».

1. IV курс даволаш, тиббий педагогика ва тиббий профилактика факультети талабалари учун мўлжалланган.

2. Маъруза максади. Мазкур маъруза матни «Ўзбекистон жиноят процессуал ҳукуки фани билан узвий боғлиқлигини ва қонунлар мажмуасига боғлиқ, энг аввало фуқароларнинг жисмоний дахлсизлиги моддасига тегишли, тиббиёт маълумотларини ишлаб чиқаришга асосланган. Ундан ташқари суд тиббиёт фани асосан тиббиёт фанларидан бири бўлиб у умумий тиббиёт соҳалари билан ҳамбарчас боғлиқлигини, барча тиббиёт соҳалари ютуқлари ва усуллари билан фойдаланилиб, улар билан ҳамкорликда уз тажрибаларини ва изланишлари орқали тиббиётнинг қолган барча соҳаларини бойитишни қурсатади».

3. Қуриб чиқиладиган саволлар:

3.1. Суд тиббиёт фани, уни вазифалари, максади ва аҳамияти – 10 дақиқа.

3.2. Суд тиббиёт фанининг бошқа тиббиёт фанлари билан боғлиқлиги ва жамият учун аҳамияти – 30 дақиқа.

3.3. Суд тиббиёт фанининг ҳуқуқшунослик фани билан боғлиқлиги ва жамият учун аҳамияти – 30 дақиқа.

3.4. Ўзбекистон суд тиббиёт фани ва экспертизасини пайдо бўлиши ва ривожланиши – 40 дақиқа.

4. Маъруза матни тузилган саволларга асосланиб кейинги варақларда қуйдагича келтирилган.

СУД ТИББИЁТИ ФАНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АХАМИЯТИ. СУД ТИББИЁТИ ФАНИ ВА СУД ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Суд тиббиёти бу химик, физик, биологик, тиббиёт билимлари мажмуаси бўлиб, улар кулланадиган усуллар оркали одил судлов, ҳуқуқшунослик органларига ёрдам етказиш учун кулланиладиган фан. Ушбу фан Ўзбекистон жиноий процессуал ҳуқуқ фани билан узвий боғлиқдир. Суд тиббиёти номи «Med. forensis» биринчи бўлиб 1690 йили немис олими Иоган Бон томонидан тавсия этилган. Аммо Англия ва Британия ҳамдустлик мамлакатларида мазкур фан «», яъни тиббиёт ҳуқуқшунослик» номи билан кенг тарқалган эди. Россияда ва бошқа мамлакатларда эса бу фан бошқа номлар билан масалан, «суд ҳақимлик илми», «суд тиббиёт илми», «тиббиёт криминалистикаси» деб юритилиб келинган. Суд тиббиёт фани асосан тиббиёт фанидан бири бўлиб, у умумтиббиёт соҳалари, ютуқлари ва усулларида фойдаланилиб, улар билан ҳамкорликда уз тажрибалари ва изланишлари оркали тиббиётнинг қолган барча соҳаларини бойитади. Чунки у уз амалий ишларида узига хос усулларни, масалан, волида ва волидиялик (оталик ва оналик); доғда қон мавжудлиги, уни ирсиятини, яъни доғдаги қонни одам ёки ҳайвонга мансублигини фаниклаш, уқ отилган яраларни кириш ва чиқиш тешиқларини фаниклаш; уқ узилган масофани фаниклаш усуллари ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур суд тиббиёт фани ишлаб чиқарган усуллардан тиббиётнинг бошқа соҳалари фойдаланиши мумкин.

Суд тиббиёт фани қонунлар мажмуасига мувофиқ энг аввало фуқароларнинг жисмоний дахилсизлиги моддасига тегишли, ҳамда уларни ҳуқуқ ва бурчларини фаниқловчи фуқаролар кодекси моддаларига тегишли тиббиёт маълумотларини ишлаб чиқади. Суд тиббиёт фанини мазмунини ташкил қилувчи изланишлар ва материаллар икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда суд тиббиёт фани тиббиётнинг бошқа соҳалари бўлган патологик анатомия билан мурдаларни текширишда, фармокалогия ва токсикология билан захарланишни урганишда, клиника билан-шахсларни тиббий гувоҳликдан утқизишда, гематология, сперматология, иммунология билан далилий ашёларни текширишда узвий боғлиқдир. Иккинчи қисмнинг мазмуни қонунлар мажмуаси моддаларига мувофиқ бўлган, асосан биологик таърифдаги тиббий маълумотларни чуқур таҳлилидан иборатдир. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, суд тиббиёт фани узини тарихий ривожланишининг ҳамма босқичларида узи хизмат қилиб қолган синфий мазмунга эга бўлган давлат ҳуқуқ системаси билан жуда яқиндан боғлиқ бўлган.

Суд тиббиёт фанининг таърифи ҳам шундан келиб чиқади. Яъни юқорида айтилгандек, суд тиббиёт фани тиббиётнинг бир бўлими бўлиб, фуқароларнинг жисмоний дахилсизлиги ва уларнинг давлатда ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги ҳуқуқ номларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Суд тиббиёти узининг асосий вазифаларидан, яъни ҳуқуқшунослик органларига ёрдам беришдан ташқари соғлиқни сақлаш ишларини сифатини ошириш, касалликни олдини олиш, тиббиёт профилактикаси учун зарур бўлган илмий-амалий текшириш вазифаларини ҳам қўзғайди. Мазкур вазифаларни ижро

этиш учун суд тиббиёт амалий ишлари суд тиббиёт вокеалари, клиник анатомик конференцияларида муҳокама қилинади. Клиник ва патологоанатомик диагносларни кескин фаркланишида соғлиқни сақлаш органларига ўз вақтида етказиш, тасодифий ўлганлар, транспорт ҳодисалари, маиший ва саноат захарланишларни ва уларни олдини олиш учун таҳлил қилиш ҳамда тиббиёт муассасаларида профилактика нуктаи назаридан даволаш ишлари бўйича мавжуд бўлган нуксонларни ўз вақтида рўйобга чиқаришга қумаклашади.

Суд тиббиётни амалий қулланиши, яъни суд тиббиёт экспертизаси асосан ички ишлар вазирлигига, адлияга, ҳарбий трибуналга прокуратурага ҳамда соғлиқни сақлашга хизмат қилади ва тиббиётнинг барча соҳаларининг ютуқлари суд тиббиёт экспертизасининг негизи бўлганлиги учун у соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибига қиради. Фақат соғлиқни сақлаш системаси тиббиёти барча соҳасидаги минглаб йирик мутахассислар билан, йирик маъмурий тармоқлари билан, илмий-амалий, илмий текшириш ва олий ўқув муассасалари билан маъмуриятни, прокуратура ва судни тиббий талабини қондира олади. Шундай қилиб, суд тиббиёти экспертизаси ўз ишини моҳияти билан ўзининг асосий негизи бўлган умумий тиббиёт билан, ташкилий жиҳатдан-соғлиқни сақлаш системаси билан, амалда қулланилиши ва вазифаси билан эса энг аввало Ўзбекистон Республикаси маъмурияти ва суд билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Суд тиббиётининг қисқача тарихи. Чет эл суд тиббиётининг вужудга келиши қадим замонларга бориб тақалади. Маъмурий суд амалиётида махсус тиббий соҳаси бўйича яхши маълумотга эга бўлган, билимдон шахслар тиббий ишларини қуриб чиқишганлар. Мазкур хатти-ҳаракатлар, яъни суд тиббиёт экспертиза фаолиятини тергов ва суд жараёнида фойдаланиш қадимги Рим, Юнон, Хитой, Хиндистон мамлакатларида рўй берганлигини қуришимиз мумкин. Масалан, қадимги Римда эрамиздан олдинги 44 йили сарой ҳаким-табиби Антисти, Юлий Цезарь мурдасини текшириб ўнинг баданида 28та жароҳати борлигини фаниклаб, улардан фақат биттаси қурак қасбини санчиб қирган яра ўлим сабаби бўла олади деб ҳулосага келади.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки Гиппократ томонидан 460 йил эрамиздан бурун тугилган қашф этилган аборт, ҳомиладорлик вақтини фаниклаш вақтидан илгари тугилган чақалокларни ҳаётга қобилятқилини фаниклаш, жароҳатларни оғирлик даражаслари, бош суягини ёрилган ва синганлигини фаниклаш усуллари экспертиза ўтқазилишида қатта ҳамиятга эга бўлган. Эрамиздан бурун 448 йил Римда 12 ишлаб чиқарилган жадваллардан ҳакимлар суд тиббиёти ҳулосалари тузишда фойдаланган. Уша замонлар ўлдирилган шахслар мурдаларни қуришга, чақалокларни «қонуний» тугилганлигини фаниклашга ҳакимларни тақлиф қилганлар. Рим ҳуқуқига тартиб ва тўпلام берувчи машҳур Юстицина кодекси ҳакимларни суд жараёнидаги муҳим аҳамиятга эга эканлигини тугрисида фармон бор. Унда шундай дейилади: «ҳакимлар гувоҳ эмаслар, улар гувоҳлардан ҳам хатто қозилардан ҳам юқоридирлар». XIУ асрда Франция шахри Монпельеда биринчи бўлиб мурдани ёришга руҳсат берилган. Шу асрнинг ўзида Париж судида қирол жарроҳи иштироки ҳақида эслатма беради. 1532 йилда Германияда Карл Унинг ўлимга олиб келувчи жароҳатлари, гудак ўлдириш, бола тушириш, захарланиш ҳақидагим ишларни қуриб чиқиш, тиббий ҳатоликларни топиш учун,

яъни экспертиза учун ҳакимларни таклиф қилиш судларни бурчи эканлигини мустаҳкамловчи жинсий қонунлар туплами чиқади. «Каролина» феодал тиббий экспертизасини ташкил қилувчи далолат деб ҳисобланади.

Паре, Феделиса ва Закхиса асарлари суд тиббиёт фанининг ривожланишига асос буладилар. ХУП асрнинг бошларида Европада, масалан Германия ва Францияда суд тиббиёти алоҳида фан сифатида талабаларга ўқитилади. 1640 йили ва 1687 йиллари икки немис олимлари Михаилис ва Бон Лейпциг дорулфунунида ғайри табиий улимларни фаниклаш усуллари мавзуида талабалар учун лекциялар ўқилганлар. Аммо ҳақиқий суд тиббиёт экспертизаси ХУШ асрнинг бошларига тугри келади. Рус ҳуқуқшунослиги тиббиёт ҳуқуқларини судда далил сифатида ишлатиш зарур деб қўрсатганларидан бири бўлиб ҳисобланади. Суд тиббиёти ўзига хос бўлган йул билан ривожланади. ХУ1-ХУП асрларида тиббиёт ходимларига алоҳида ҳуқуққа тегишли саволлар билан муроҷат қилар эдилар. ХУШ аср бошлари рус халқининг ҳуқуқматини тузишга сабаб бўлган Петр 1нинг ислохоти билан таърифланади. 1716 йилда харбий устав чиқади. Мазкур уставни 154 артикулида қўрсатилишича, агар улим уришдан кейин содир бўлган бўлса, улимни фаник сабабини топиш талаб қилинади. Бу Россияда биринчи қонун чиқарувчи ҳужжат бўлиб, у ҳакимларни масалаларини ечишга ундовчи фармоиш бўлиб қолди.

Россияда суд тиббиётини ривожланиши 5 даврга бўлинади:

Биринчи даври Россияда суд тиббиётини пайдо бўлиши ва уни Петр 1 ҳуқумронлигигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Мазкур давр қадимги замондан бошланиб келган ва ҳуқуқшунослик талабаларини қўндириб келган. Олег 911 и. ва Игорь 945 и. князлиги даврида, грек ва рус шартномаси бўйича жароҳат етказиш, қалтаклаш жазоликка қўрилган эди. «Рус ҳақиқати» деган тупламда IX-XIII асрлари тан шикастлик жароҳат етказиш тугрисида муфассал, тула –туқис маълумотлар келтирилади. Шахс даҳилсизлигини бузиш, қиши ҳаёти учун таҳовузликлари уларни даражасидан боғлиқлиги қўрсатилган. Иккинчи ҳуқуқий туплам бу «ўрнатилган Двинлик ёрлиқи» деган ҳужжатдир 1397. Бунда ҳам шахс даҳилсизлигига қарши ҳуқуқ бузарликка эътибор берилган. Яра ва моматолок етказиш учун жазоликка қўрилади.

Жабирдийдаларнинг тиббиёт қўригидан ўтказишни қўвоҳлантириш қадат чет элдан келган сарой ҳақимлари ўтказар эдилар. Мазкур қўвоҳлантиришни қўшонинг ўзи маҳсус фармони билан ўтказар эди. Биринчи бўлиб, 1537 йили сарой ҳақими феофилий княз Андрейни қўриқдан ўтқази. Уқодшоҳ бўйругини, мен қасал деб, этмай Углич шаҳридан Москвага қелмаган. Иққин-чи воқеа XV асрнинг охирида қўй берган эди. Унинг сбабаи Қрим қўдшоқдаси Мурод Грейнинг тасодифий ўлимидир. Арап деган ҳақим мурдани қўриқдан ўтқазиб, заҳарланган деб айтади. Айрим маълумотларга қараганда қўё бу нотугри қўлоса. Уқинчи воқеа 1671 йилда қўй берган. Ҳақим Бомалиус Иван Грозний мурдасини қўриқдан ўтқазиб заҳарланиш натижасида ўлган деб айтади. 1620 йили “аптека фармоиши” ташкил тоқади. Бундан тиббий экспертизага оид ҳужжатлар қиқиб турар эди. Бундан ташқари, шахсий экспертиза ҳам ўтказар эди. Унда қадат қўдшога муроҷат қилишга тугри қелар эди. “Аптека фармоиши”га қаратилган ҳақимлар қишилари қўриқдан ўтказар эди. “Аптека фармоиши”нинг ташкил

топганидан уч йил утгандан кейин яъни 1623 йили подшо Михаил Федарович кайлиги-Мария Хлопова “Аптека фармоиши”нинг хаками Бальзир томонидан (икки сарой хакимлари-Валентин Бальс Артур Дин иштирокида) курикдан утказилади. Экспертиза гувоҳлигидан утиш масади Мария Хлоповани соглигинифаниклаш эди, чунки уни тугрисида княз Салтиков никохликни хохламаганлиги туфайли подшога бориб Мария Хлопова тутканок касаллиги билан хасталанган деб айтади. Текшириш натижасидафаникландики, уни ҳеч қандай касали йук. Хлопова Мария соглом киз деб хужжат тузилади. “Аптека фармоиши” буйича мурдалар ҳам курикдан утказиб турар эди, масалан, 1700 йили боярин Салтиковни текширганда уни хизматкори Каменев томонидан захарланган дебфаникланди.

Иккинчи даври ХУШ асрни уз ичига олади ва бу давр феодал дворян даври деб аталади. Ёки уни Петр 1чи даври деб ҳам айтилади. Мазкур давр биринчи, хакикий хужжатли суд тиббиёт экспертизасини утказилиши билан таърифланади. Харбий устав буйича расмий равишда суд тиббиёт экспертизаси утказилар эди. Мазкур уставни 154 моддаси (артикули)да зурлик билан улдирилган шахсларни мурдалари ёки зурлашда гумонсираган мурдаларни текшириш учун хакимни чакириш керак. У мурдани албатта ёриб, улим сабабинифаниклаш даркор ва уни тугри ёзиш учун хаким касамиёд этсин деб такидлаб утган.

Петр 1нинг тиббиёт текширишига катта ахамият берилганлиги, конунга ҳамма бир хил риоя килиши тугрисидаги талабчанлиги куйидаги мисолдан куриш мумкин: У Кронштатда сафарда булган пайтида уни опаси Екатирина Алексеевна 1718 йили май ойида тасодифан улиб колган. Обер комендант, нима килишини билмай петр 1га дарров хат юборади. Унда нима килишна сурайди. Петр 1чи жуда ҳам дахшатли жавоб ёзиб комендатни хаяжонда колдиради. Жавобни мазмуни шундан иборатки конун коида кулингизда була туриб нима учун кечикиб турибсиз. Демак конун, ким булишига карамай, уз вақтида ижро этилиши лозим.

Пётр-1нинг харбий уставининг 167-моддасида жинои жинсий алокалар тугрисида ёзилган. Уни мазмуни шундан иборатки кимда-ким уз мамлакат минтакасида ёки бошка, бегона мамлакат худидида хох кампир, хох эри бор, эри йук бева, хох балогатга етган ёки балогатга етмаган киз болани номусига тегиб зурлик билан жинсий алока килса калласини танасидан жудо этилсин деб ёзилган.

Мурдаларни ёриб текшириш учун ва жарохатланганларни курикдан утказиш максидида Москва, Санк-Петербург , Ригаларда. 1733 йил штатд физиклар лавозими киритилган эди. 1737 йили эса 56 та катта шаҳарларда шаҳар хакимлари дорулфунуни ташкил топди. уларнинг зиммаларида касл куришдан ташкари суд тиббиёт экспертизасининг ташкил топишини курамиз.

Рус суд тиббиёт тарихининг 3 даври капитализмнинг саноат ривожланиши даври деб аталади. Мазкур даврга Х1Х асрнинг биринчи ярими киради. Тиббиёт бошқормалари 1803 йилдан бошлаб ички ишлар Департаментига киради. Уни хузурида тиббиёт кенгаши ташкил топади. 1823 йилдан бошлаб тиббиёт кенгашининг қошида 4 амалий тиббиёт лавозими кузатилган. Улар тиббий ёрдам ишлари билан биргаликда суд тиббиётига оид ишларни ҳам олиб боришлари лозим эди.

Х1Х асрда суд тиббиёт соҳаси уч поғонага, боскичдан иборат булган:

биринчи боскич – жойлардаги уъезд ва шаҳар ҳакимлари, иккинчи боскич – ҳакимлар бошкармаси ва учинчи боскичи энг юкори поғона – бу ҳакимлар кенгашидир.

XIX асрнинг биринчи яримида суд тиббиёт соҳасида камчиликлар мавжуд бўлган. У ҳам бўлса ички департаментни Кочубеининг 1808 йили чиқарган қарори билан боғлиқ. Мазкур қарорга асосланиб осиб улдирилган, узи осилиб улган, кесилиб, санчилиб, чопилиб улдирилган, ук отиб улдирилган ва бошқа шунга ухшаш шахслар мурдаларни қурмасдан бериш мумкин деб қурсатилган. Бу ҳолат суд тиббиёт хизмати таноэллиққа олиб келади.

1827 йил «Суд тиббиёт жихатидан мурдани қуриқдан утказиш ва ёриш тугрисидаги ҳакимлар рисоласи» чоп этилди. Ушбу рисола 1829 йили бутун уъезд, шаҳар ва ҳакимлар бошқармалари бўйи тарқатилди.

Мазкур рисола тўзиш учун атоқли тиббий хирургик академиясининг профессорлари, ҳакимлар кенгашининг аъёлари И.В.Буялский., А.С.Громов., А.П.Налюбовлар иштирок этганлар. Рисоланинг низоми уз ичида барча суд тиббиётига тегишли мурда текшириш саволларини қамраб олган.

Рисолани тўзишдан бурун, 1824 йили И.В.Буялский мурдани қуриш ва ёриш усубларини чоп этилган шу йилнинг узи, А.П.Нелюбин эса заҳарланиб улган мурдаларни текшириш низомини ва заҳарлар учун суд тиббиёт таблицасини тўзган.

1853 йили ҳакимлар кенгаши қарори чикди. Унда хотин кизларни гувоҳликдан (қуриқдан) утказиш учун акушер гинекологларни чакириш қерак, улар бўлмаган жойларда момодоялик қилувчи қампирларни тақлиф этиш лозим деб таъқидлаган.

Шуни ҳам таъқидлаб утиш қеракки на уезд на ҳакимлар, на ҳакимлар кенгашининг аъёлари судда, унинг жараёнида чақирмас эдилар. Қеракли маълумотлар факат ёзма равишда берилар эди. Мазкур ҳолат 1864 йилгача (суд реформасигача) давом этган.

Суд тиббиёт фанинг укитиши ХУШ асрнинг охирида Москва дорулфунунида (1799й.) бошланган. Ундан кейин тиббий – хирургик академиясида укитила бошлаган. 1804 йили дорулфунун устави тасдиқ этилган. Ушбу устав бўйича суд тиббиёти фани анатомия, физиология ва суд ҳақимлик илми шуъбаларининг тарқибига қирган.

1804 йили Москва дорулфунунида мазкур шуъбани И.В.Вансович бўлган. У киши 1808 йилдан бошлаб 1811 йилгача талабаларни узи тўзган услублар билан укитган.

1835 йили янги дорулфунун устави чикади. Мазкур устав бўйича мустикал суд тиббиёт кафедрасини ташқил этилиши қуэлатилган. Уни давлат ҳақимшунослиқ кафедраси деб аталган.

1813 йилдан 1837 йилгача профессор Е.О.Мухин (1766-1850) бошқарган. У 1920 йилдан бошлаб махсус, алоҳида курс сифатида суд токсикологиясини укитади.

1837 йилдан 1862 йилгача кафедра мудири ажойиб лектор О.А.Армфальд бўлган.

Биринчи бўлиб Россияда 1832 йили С.А.Громовнинг суд тиббиёт қуланмаси

чоп этилади.

1841 йили, тиббиё кенгаш аъзоси Н.И.Пироговнинг махсус атлас «Одам танасининг анатомик тузилиши» нашр этилади. У асосан суд тиббиёт ҳакимлари учун мулжалланган эди. Н.И.Пирогов биринчи бўлиб уқ кириш тешиги нуксони белгиларини езади. Чиқиш тешигини ҳам таърифлаб беради.

1848 йилда Козонда Г.И.Блосфельднинг «Юристарлар учун сулд тиббиёт чизмаси» дарслиги босилади ва у юридик куллийетлари учун биринчи дарслик бўлди.

Петербург академиясининг профессори П.М.Заболскийнинг илмий ишларини, айниқса унинг «Жароҳатланишни суд тиббиёт жихатидан куриб чиқиш» асарини (1852) алоҳида таъкидлаб утиш керак.

Туртинчи давр, суд тиббиёт хизматининг суд ислохатидан кейин, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср боши билан (октябрь инқилобига) ифодаланади. Россияда капитализмнинг ривожланиши ва деҳқонлар ҳаракатининг кучайиб бориши 60 йилларнинг «ислохат даврига» олиб келади. Рус феодал давлати феодал буржуазия давлатига айлана борди.

Буржуазияни аҳамияти ортиб бориши билан деҳқонларнинг ҳуқуқий аҳоли ҳам узгариб борди, экспертизани ташкил қилувчи суд жараёнлари ҳам узгаради, ислохатгача бўлган рус суд тиббиётини ривожланишида янги давр-буржуа феодал даври кумаклашади.

1864 йилда «суд уставлари» чиқди ва у билан бирга, буржуа ҳаққониятини химоя қилувчи ва қафолат берувчи ошқора овозли суд маслаҳатчилари билан бўладиган буржуа суди келди. Янги судда, олдингисига нисбатан ҳуқуқ масалаларини куришда, тиббий билим купрок талаб қилина бошлади. Шунинг учун XIX аср урталаридан бошлаб, ҳам амалий, ҳам илмий жихатдан рус суд тиббиётини ривожланишида юксалиш бўлди.

60 йилларда ташкил топган прокуратура ва химоячи иштирокидаги ошқора суд экспертизасига уз талабларини қуйди. Эксперт сифатида купрок суд тиббиёт кафедраларининг ходимлари жалб қилинди. Бунинг оқибатида амалий суд тиббиётининг илмий савияси анча ошди. Суд тиббиётига тегишли адабиётларни нашр қилиш анча ошди. Билмий ишларда амалиёт ходимлари ҳам катнаша бошладилар.

1857 йилдан 1871 йилгача тиббий-хирургик академиясининг суд тиббиёт кафедрасида Я. А. Чистович раҳбарлик қилган. У биринчи тирик одамларни куриқдан утқизиш суд тиббиёт дарслигига киритади.

1863 йилдаги дорилфунун устави бўйича давлат ҳаққонлиқ кафедрасининг номи узгариб-суд тиббиёт кафедраси деб аталди. Уни таркибига токсикология, гигиена ва тиббиёт полицияси қиради. Рус суд тиббиёт санетария ва гигиена билан узвий боғланганлиги «суд тиббиёт ва умумий гигиена архиви» журналининг 1865 йилдан бошлаб нашр этилиши ва 1889 йилдан кейин «умумий гигиена ахбороти ва суд тиббиёт амалиёти» номи билан 1917 йилгача давом этилиши уни яққол гувоҳидир. Бу эса иккала фаннинг давлатга оид тиббиёт эканлигини, яъни уларни даволашга таълуқли эканлигини мисол бўлиб, касалликни, ножуя ишларни, бахтсиз воқеаларни олдини олиш, яъни профилактика учун қаратилганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида суд тиббиёт фани купрок ривожланади. Айниқса чет элда булиб колган бир даврда яшаб суд тиббиёт соҳасида фаолият курсатган бир катор атокли суд тиббиёт мутахасислар И.И.Нейдинг, П.П.Ваблодский, К.В.Пеликан, Я.А.Чистович, И.М.Гвоздаев, Н.А.Оболонский, Потенко ва бошқалар гайрат билан, зур бериб суд тиббиёт муаммоларини хал килиб келганлар. Мувтазам равишда талабалар амалий машгулот мурдани ёриш ва далилий ашёларни текшириш дарсларига фаол катнашшадилар. Айрим профессорлар, масалан, К.В.Пеликан, Н.А.Чистовичлар суд тиббиёт клиникасини очишни доимо талаб килиб келганлар. Петербургда (1857) ва Киев дорилфунунида (1867) мазкур клиникалар ташкил топилади, аммо бошқа ҳеч қаерда пайдо бўлмади.

1856 йилда А.П.Нелюбин «Суд кимё» дарслигини нашр қилди. 70 йиллардаги токсикология соҳасида бир катор кимматли илмий ишлар В.В.Пеликанга мансубдир. 1875 йил Г.Драгендорфнинг «Захарлар ва уларнифаниклаш»: 1877 йил Ю.К.граппнинг «Захарларнифаниклаш учун қулланма»си 1890 йил В.Т.Штольцнинг «юрислар учун суд тиббиёт дарслиги» чоп этилди.

Профессор А.С.Игнатовский суд тиббиёти дарслигини (1910-1912) яратди. Москвада 1901 йилдан то 1931 йилгача ажойиб лектор ва машхур олий проф. П.А.Минев бошчилиқ қилган. 1909 йилдан бошлаб Харьков, кафедрада проф. А.С.Бокариус бошчилиқ қилган. 1911 йилда у «суд тиббиётининг қисқа курсини» нашр қилади. 1915 йил эса унинг «Юрислар учун суд тиббиёт дарслиги» нашр қилинади. 1911 йил И.П.Косоротовнинг «суд тиббиёт дарслиги» чоп этилади.

Биринчи давр инқилобидан кейинги даврдир. 1918 йилда РСФСРнинг соғлиқни сақлаш халқ комитети тузилиши билан суд тиббиёт экспертизаси фуқаролари тиббиёти бўлимига киритилди: 1922 йили эса ЯИС (янги иқтисодий сиёсати)нинг бошланишида-даволаш бўлими секциясига киритилди: 1924 йилда РСФСР да экспертизани бошқариш учун маъмурий ташкилий бўлимда жумҳурият бош суд тиббиёти эксперти лавозими ташкил қилинди.

1937 йилда СССР соғлиқни соқлаш халқ комитети ташкил топиши муносабати билан бутун иттифок миқёсидаги тиббий экспертизани бошқарувчи ва бирлаштирувчи бош суд тиббиёти эксперти лавозими жорий қилинди.

1920 йили-биринчи ва 1926 йили-иккинчи Россия суд тиббиёт съездлари ўтказилди. Уларни қарорларини ижро этилиши суд тиббиёт хизматиға катта ёрдам етказди.

1924 йилда РСФСР соғлиқни сақлаш халқ комитети (наркомздрав) суд тиббиёт лабораториялари ҳақида қарор чиқарди. Шу йилнинг ўзида Москвада марказий суд-тиббиёт лабораторияси ташкил топади. Бошқа катта шаҳарларда ҳам (Ленинград, Ростов-Дон, Свердловск, Саратов ва ҳақоза) суд лаборатория барпо этилди. Улар экспертиза хизматидан ташқари илмий ишлар ва кадрлар тайёрлаш билан шугуланадилар.

1931 йили Марказий суд тиббиёт лабораторияси, биринчи ва иккинчи Москва тиббий олий билимгоҳи суд тиббиёт кафедраларининг қошида суд тиббиёт илмий тадқиқот институти (СТИТИ) барпо этилди. 1941 йили унинг директорини зиммасига бош суд тиббиёт экспертлик лавозими ҳам юқлатилди.

1949 йили суд тиббиёт экспертизасининг бюrolари тузилди. Кейинчалик собик СССР согликни саклаш вазирлигини бир катор буйруклари чикди.улардан 166 ракамли буйрук (10.04.1962й.) – «СССРда суд тиббиёт экспертизасини яхшилаш чоралари». 718 ракамли (10.09.1973й.) 694 ракамли (21.02.1978й.)карорлари хам суд тиббиёт экспертизаси хизматини яхшилаш чора тадбирларини кузлаган.

Суд тиббиёт фани ва экспертиза хизматини ривожлантириш учун суд тиббиётига оид кулланма ва дарстликлар (Н.В.Попов, М.И.Авдеев, А.П.Громов, А.К.Туманов, В.В.Томилин, В.Н.Крюков, Л.М.Бедрин, В.Л.Попов ва бошкалар) мухим роль уйнайди. Биринчи коллективлик суд тиббиёт дарслик 1938 йил Н.В.Попов бош мухаррирлиги остида, иккинчи дарслик 1975 йил В.С.Смолянинов бош мухаррирлиги остида ва учинчи 1982 йил В.Н.Крюков бош мухаррирлиги остида нашр этилди. 1985 йил В.Д.Поповнинг ва 1990 йил В.Н.Крюковнинг «суд тиббиёти» дарсликлари нашр этилди.

Илмий-укув-амалий суд тиббиёт ишларининг ривожланишида суд тиббиёт илмий жамияти мухим ахамиятни касб этади.

Биринчи суд тиббиёт илмий жамияти 1916 йили Петербургда ташкил топди. Бу жамиятга раис килиб сайланган профессор А.В.Григорьев шу йилнинг узида вафот этди. Жамиятни кейинги фаолияти хакида хеч кандай маълумот йук. Факат Октябрь революциясидан кейин жамият яна кайтадан ташкил топди. Ундан кейин Москвада ва Ростовда хам суд тиббиёт илмий жамияти ташкил топилди. Жамиятларнинг ишлари хакидаги хисаботи «Суд тиббиёт экспертизаси» тупламида босилиб чиқарилди. 30 йилларга келиб Москва ва Ростовдаги суд тиббиёт илмий жамиятлари уз фаолиятини тухтатади, Ленинграддаги жамият эса уз фаолиятини давом эттиради. 1946 йилдан бошлаб эса у суд тиббиёт ходимлари ва криминалистларнинг умумиттифок жамиятини тузиш учун уз фаолиятини курсата бошладилар.

1947 йили Москвада, Козонда, Ростовда, Украинада, Харьковда, Одессада суд тиббиёт ходимлари ва криминалистлар умумиттифок жамиятининг булимлари ташкил топди. 1948-1949 йилларда Козогистон, Украина, Белоруссия жумхурият суд тиббиёт ва криминалистика жамиятлари ташкил топди.

50-60 йиллар аста-секинлик билан колган жумхуриятларда мазкур умумиттифок суд тиббиёт илмий жамият булимлар ташкил топилди.

Шуни хам таъкидлаб утиш керакки, туртта умумиттифок суд тиббиёт ва криминалистика конвенция ва кенгашлар (1946, 1950, 1957, 1967), хамда I, II, III. Умумиттифок суд тиббиёт съездлари Киев – 1976й., Минск – 1982й., Одесса – 1988й. Экспертиза хизматини, яъни амалий ва назарий суд тиббиётининг бойиши ва ривожланишига сабаб булган.

1958 йилдан бошлаб умумиттифок «суд тиббиёт экспертиза» ойномаси чоп этилди. Мазкур ойнома умумий иттифок суд тиббиёт минбари ва умумиттифок илмий суд тиббиёт жамиятининг органи булиб хисобланади. Уни биринчи бош мухаррири В.И.Прозоровский 1978 йилгача уз фаолиятини курсатди. 1979 йилдан бошлаб хозиргача ойномани унумли ривожланишида унинг бош мухпаррири профессор В.В.Томилин катта хисса кушмокда. **Суд-тиббиети фани ва экспертиза хизматини Ўзбекистондапайдо булиши ва ривожланиши.**

Узбекистонда ҳам бошқа ҳудудлардаги каби суд тиббиётига оид ишлар жисмоний дахлсизликни бузиш, унга тажовузлик қилиш натижасида вужудга келган. УП аср охирлари УШ аср бошларида Урта Осиё ҳудудларини араб халифлари босиб олгандан кейин, ислом дини ташкил топди. Шаҳарларда одил судловни қозилар, эшон мухтасиб раислари олиб борарди. Жиноят содир бўлган ишлари аввал ҳоким ва бек томонларидан қуриб чиқар эди.

Одил судлов диний назарияда, шароитга асосланиб келган. Бутун мусулмонлар мамлакатлари бўйича ҳамма нарсани, шунингдек судлаш услубларини шароит уз ичига қамраб олган эди.

Суд тиббиёт фани узоқ ва мураккаб тажрибалар йули билан вужудга келган. Уни пайдо бўлиши ва ривожланишига, бошқа фанлар қатори уша даврнинг мутаффақир ва олимлар Абу-Бақир Муҳаммад Ибн зақари ар Рози (865-925), Абу-Али Ибн Сино (980-1037), абу Райхон Беруний (973-1048), Исомоил Журжоний уз машакатли ишлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Абу Али Ибн Сино асарлари махсус суд тиббий фанига тегишли бўлмаса ҳам, улар ичида қўпгина суд тиббиёт саволларини ечадиган маълумотлар мавжуддир. Улар асрлар бўйи судлаш ва тергаш ишларида катта ёрдам бериб келган. Ибн Сино «Мурдалар тирикларни уқитади» деган мақолига асосланиб биринчилар қатори, тиббиёт фанини муқаммал билиш учун мурдаларни ёриб урганиш лозим деб айтган.

Мурдаларни ёриб текшириш асосида одамнинг анотамик тузилиши, патанотамик узғариш тугрисида қимматбаҳо маълумотлар беради. Қиши улгандан кейин мурда белгиларини пайдо бўлиши (қотиш, совиш, қуриш, қириш ва бошқа) тугрисидаги маълумотлар ҳозиргача уз қучини йукотмай амалий суд тиббиёт ишларида қўлланиб келмоқда. Ибн Сино ҳатто улим жараёнидаги узғаришларни механизмни ҳам айтади. Масалан Қанонни (1-қитоб) учинчи қисмни 294-295 бетларида таъқидлаб утганки, бизнинг жасадимиз улгандан кейин ташқи ва қичқи муҳит таъсирида икки ҳил узғаришларга дучор бўлади.

Биринчиси аста секинлик билан уз намлигини йукотиб бўлса, иккинчиси-баданнинг узғариши, қириши кечиришга қобилятсиз бўлишидир.

Ибн Сино асарларида суд тиббиёт назариясига оид улим турқумларни қуришимиз мумкин. Масалан уша қонуннинг (1 қитоб. Ш қисм) ва табиийсиз, ғайри табиий (ташқи муҳит таъсиридан вужудга келган) улимлар ҳақида ғақирган. Ибн Сино тиббиёт қонунининг 1У ва У қитобларида заҳарлар ва заҳарланиш тугрисида, яъни токсикология бўйича қимматбаҳо маълумотлар мавжуддир. Бир неча асрлар давомида мазқур маълумотлардан, тиббий бўлимига эға бўлган шаҳслар экспертизага оид ишларни утқазishi учун. Қойдаланиб қолган. Унинг заҳар ва заҳарланиш тугрисидаги маълумотлари шу қадар қенғки, уларни ХУП асрнинг охиригача қенғ равишда қойдаланиб келганлар. 90тадан ортик усимлик, ҳайвонот ва минерал модда заҳарлар тақовут қилинган. Ақонит қора арча меваси, қорақасовлар энғ заҳарли усимликлардан ҳисобланади деб таъқидлаб утган. Қузиқорин, замбуруғларни заҳарли ва заҳарсиз турқумларга бўлиб уларни ҳар бирини таърифини бериб утган. Уларни истеъмолд қилгандан кейин организмда бўладиган узғаришлар тугрисида тухталиб утган.

Абу Али Ибн Сино уз тажрибаларига асосланиб захарланиш, яъни захарни таъсири, уни дозасидан, тозалигидан, сифатидан ва организмга юбориш йулларидан боглик деб таъкидлаб утган. Масалан симоб тугрисиди уша китобни 427инчи бетида куйидагиларни ёзган: '...симоб тугрисига келсак, уни ичган кишилар деярли касал булмайдилар, чунки меъда ичак йулларидан узгармай чикиб кетади. Агарда мазкур тирик симобни кулок тешигидан юборса, каттик огрик пайдо булади, киши хушидан кетади, хатто мускуллари кисиляди. Кулокка симоб кирган томон тана огирлиги сезилади, айрим вақтларда тутканок кузатилиши мумкин, чунки симоб мияга таъсир килади'. Бангидевона тугрисиди ушуни ёзади «...бангидан, бош айланиш, уйкуга торилиш, маст булиш. Айрим вақтларда бир миксол банги, одамни уша кунини улдиради. Агар уни ярмини, ёки ярмидан камроёини ичса-ундан ухлатади, маст килади, факат кучсизланган, кучини паст кишини улдиради»(уша китоб 441-442).

Ибн Сино уз асрларида шахсини идентификация килиш масалалар тугрисиди хам маълумотлар берган. Галан ва Гиппократ фикрларини тасдиқлаб 4 хил бош суяги мавжудлигини таъкидлаган. Жарохатланиш тугрисиди анатомик бутунлигини, физиологик вазифаларини бузилиши ва хар бир мухитга хос морфологик узгаришлар руй бериши тугрисиди тухталиб утган. Икки туркумли, табиий ва табиийсиз асфикциялар тугрисиди хам маълумот берган.

Урта Осиё ва Козогистон Россияга кушилиши XIX асрнинг иккинчи ярми, ислохат судига (1864й.) тугри келади. Шунинг учун мазкур ислохат Узбекистонда суд килиш жараёнида уз таърифини курсатади. Тошкент, Самарканд, Фаргона ва бошқа госпитал хакимлар маъмурий органлар талабларига асосланиб экспертиза утказиш учун, яъни биринчи судлар талабларига асосланиб экспертиза утказиш учун таклиф килинар эди.

Суд тиббиёт фанининг, хизматининг ривожланиши, суд тиббиёт кафедраларининг пайдо булиши ва ривожланиши билан боглик.

1920 йили Тошкент Давлат дорулфунун тиббиёт факультетини тузилиши суд тиббиёт кафедрасини барпо этилишини хам кузлаган. Лекин икки йил давомида у суд тиббиёт курси сифатида, биринчи галлар умумий патологик, кейинчалик гистологик шуъбасига киритилди. Факат 1922 йилдан бошлаб А.С.Ильин рахбарлиги остида суд тиббиёт шуъбасининг ва суд тиббиёт экспертизасини иши фаол равишда ривожланади. Шуъба кадр тайёрлашга киришди. 1928 йили бта суд тиббиёт мутахассислари Самарканд, Андижон, Кукон, Фаргона, Ходжикент ва Термез шаҳарларига жунайдилар. Улар бу шаҳарларда суд тиббиёт хизматини барпо этиб, вилоят суд тиббиёт бюроларини тузишга негиз тайёрлайдилар.

1928 йили Тошкент Давлат тиббиёт фанлари номзоди, доцент И.В.Марковин тайинланади. 1930 йилдан бошлаб у бош суд тиббиёт эксперти лавозимини хам олиб боради. Суд тиббиёт илмий-педагогик ва амалий ишлар узвий боғланади. И.В.Марковин ва кафедра ассистентлари экспертизада фаол иш олиб бориб уни сифатини оширадилар. 1935 йили, ишларнинг йигиндисига асосланиб И.В.Марковинга профессорлик унвони берилади. У 1944 йили Узбекистонда хизмат курсатган фан арбоби фахрий унвони олишга муяссар булди.

1946 йилдан 1958 йилгача кафедра мудири булиб доц. Н.Ф.Колосова

ишлайди.

1958 йилдан то 1963 йилгача ТашДавТИ суд тиббиёт кафедрасининг мудирлиги ва Ўзбекистон согликни саклаш вазирлигининг бош суд тиббиёт эксперти лавозимларини доц. С.Ш.Шахобутдинов олиб боради. Кафедра ва экспертиза ходимлари суд тиббиёт илмий-уқув-амалий ишларини ривожланишига фаол катнашадилар. С.Ш.Шахобутдинов ташаббуси ва унинг фаолияти туфайли бош бюро суд тиббиёт экспертизасининг янги иморати барпо этилади.

1963 йилдан бошлаб Тошкент Давлат тиббий олий билимгохи суд тиббиёт кафедрасининг мудир лавозимини проф. Л.М.Эйдлин олиб боради. У шахс аввало Самарканд, кейинчалик Тошкент (1954-1966йй.) суд тиббиёт кафедра ва бюро экспертизаларида суд тиббиёт фанининг илмий укув-амалий ишларини ривожланишига катта хисса қўшди. Унинг илмий ишлари икки тармок оркали ривожланади. Биринчиси механик жароҳат, шахсан ук отар жароҳат бўлса, иккинчи эса далилий ашелар текшириш тармогидир. Унинг раҳбарлиги остида 7 киши диссертация ёклаб тиббий фанлар номзодини олишга муяссар бўлдилар. 1963 йили уни «ук отар жароҳатлари» номли асри нашр этилди.

1935 йили Самарканд Давлат тиббиёт кафедраси ташкил топилди. Унинг мудир килиб тиббиёт фанлар номзоди В.С.Пятернов тайинланди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида СамДавТИ суд тиббиёт кафедра мудирлик лавозимини проф. М.И.Рыский олиб борди. У киши билан биргаликда эвакуация даврида Ленинграддан келган ҳарбий тиббиёт академиясининг уқитувчилари ҳам иш олиб бордилар.

1954 йилдан 1963 йилгача проф. Л.М.Эйдлин, 1963 йилдан 1971 йилгача проф.М.Г.Бережа ва 1972-1984 йилгача доц. Х.М.Муртазаев СамДавТИ суд тиббиёт кафедрасида мудирлик лавозимини олиб борганлар.

1959 йилди Андижон Давлат тиббиёт институти суд тиббиёт кафедраси ташкил топди. Унинг биринчи мудир доц. В.А.Кажев 1959 йилдан то 1970 йилгача ишлади. 1970 йилдан 1978 йилгача кафедра мудир лавозимини доц. В.Б.Айрапетов олиб борди.

1972 йили Урта Осиё Педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёт кафедраси ташкил топди. Унинг мудир килиб доц. А.Р.Рахимов тайинланди. У то умрини охиригача (1984)шу лавозимда ишлаб келди.

Хозирги пайтда Ўзбекистондаги бешта тиббий олий билимгохи (1-ТошДавТИ, 2-ТошДавТИ, СамДавТИ, АндДавТИ, ТашДавПТИ) суд тиббиёт кафедраларининг ходимлари амалий суд тиббиёт экспертизалари билан биргаликда жумҳуриятимизда суд тиббиёт экспертиза хизматининг янада ривожланишида самарадорлик билан ишламоқдалар. 1990 й. БухДавТИ шунингдек унинг суд тиббиёт кафедраси ташкил топди.

Ўзбекистонда 1954 йили умумиттифок суд тиббиёт илмий жамиятининг бўлими ташкил топди. Унинг биринчи раиси килиб тажрибали суд тиббиёт эксперти Л.Ф.Шифрис сайланди. 1958 йили Тошкентда Урта Осиё ва Когозистон суд тиббиёт ва криминалистлар кенгаши утказилди.

1964 й. Нукусда, 1965 й. Ургенчда кенгайтирилган илмий-амалий суд тиббиёт конференциялари утказилди.

1990 йили Ўзбекистон суд тиббиёт тарихида бирлашиш содир этилди, яъни

суд тиббиёт назария билан экспертиза амалиёти бирлашуви хосил булди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг (суд тиббиёт илмий-укув-амалий бирлашмаси) тузиш тугрисида 173 рақамли буйруғи чиқди (28.02.90йил). мазкур буйруқга асосланиб Республикамизда суд тиббиёт хизматини яхшилаш, илмий-амалий кадрлар савиясини ошириш экспертиза ишларини такомиллаштириш, эришган илмий ютуқларни амалий экспертизада қўлланиши учун «суд тиббиёт илмий-укув-амалий бирлашма»сининг низомий тасдиқланди. Бу бирлашмани содир этилиши, яъни суд тиббиёт назарияси билан экспертиза амалиётини бирлашуви Ўзбекистон суд тиббиётни ривожланишида муҳим давр булди. Профессор-педагог ходимларини амалий ишдаги бевосита иштироки, албатта суд тиббиёт экспертизаси сифатини оширади:ўз навбатида экспертиза материалларидан кафедра ходимларни фойдаланиши дарс жараёнини янада яхшилатди. Амалий илмий иш учун илмий изланишларнинг ечиладиган мавзусидир, ҳамда узлуксиз вазифалар белгилловчи ва уларнинг ҳал бўлишини талаб қилувчи мавзусидир: шу билан бирга кафедра ходимларининг амалий ишлари, уларнинг ҳилма-ҳиллиги, тергов ва суд процессида ҳулосаларнинг, текширувида утқазилиши ходимларнинг назарий ва амалий ўсиши учун муҳим шарт-шароит ва имконият яратди.

1975 йили «Ўзбекистон суд тиббиёт экспертларининг илмий ишлар тўплами»нашр этилади.

1978 йилдан бошлаб ҳозирги пайтгача «суд тиббиёт далилий ашёлар текширишининг муҳим муаммолари» деган тўплами ҳар йили ёки икки йилда бир марта мунтазам равишда нашрдан чиқиб турмоқда.

Асосий адабиётлар:

- 1.А.И. Искандаров, Д.Р. Қулдошев., Суд тиббиёти; Учебник для вузов.-Ташкент; “MERIYUS” ХМНК. 2009.
- 2.Шамсиев Э.С. Искандаров А.И и др. Судебная медицина: Учебник для вузов.- Ташкент: ТГЮИ .2003
3. Шамсиев Э.С., Искандаров А.И и др «Суд тиббий фанлари: Дарслик.» - Ташкент: ТДЮИ. 2004.
4. Жалолов Ж.Ж «Суд тиббиети: Дарслик» - Ташкент: 1-ТошДавТи.1996.
5. «Судебная медицина»: Учебник для вузов. (Учебник под ред. проф. В.Н.Крюкова), М.Медицина, 1990).
6. Атлас по Судебной медицине. Солохин А.А., Смолянинов В.М., Ширинский П.П., Мельников Ю.Л. М.; Медицина 1981, 264 с.

Қўшимча:

7. Искандаров А.И «Мурдани топилган жойида илк бор қўздан кечириш» Укув услубий қўлланма. -Тошкент: 1 ТошДавТо.1993.
8. Искандаров А.И. «Суд тиббиет фанидан тест назорати»: 2 қисмида. — Тошкент.1993.
9. Искандаров А.И и др. «Воқеа содир бўлган жойда топилган уликни ташки қўзатишда суд тиббиети экспертнинг вазифалари» :Укув услубий қўлланма.- Тошкент: Масулиятли матбаа.2004.

- 10.Искандаров А.И., Кулдошев Д.Р. Якубов Х.Х. «Тирик шахслар суд тиббий экспертизаси» талабалар учун укув услубий кулланма. –Тошкент : 2007й
11. «Основы патологии человека»: Учебная литература для студентов медицинских институтов.(Под.ред М.С. Абдуллаходжаевой – Ташкент.1997. Ч.1.11.
12. «Патологическая анатомия болезней плода и ребенка» (Под ред. Т.Е.Ивановской и Л.В. Леоновой.- М. 1989. Том 1. 11.
13. Приказ № 551 МЗ РУз от 21/х92
14. Судебная медицина под редакцией Г.А. Пашиняна. М.Москва 2001год
15. Судебная медицина и судебная психиатрия Пауков В.С.,Живодеров Н.Н. М.Москва. 2000г
16. Судебная медицина под редакцией Томилина. Москва. 2000г
17. Практикум по судебной медицине и тестовый контроль под редакцией Крюкова П.М. 1998
- 18.Krug E et al., eds. *World report on violence and health*. Geneva, World Health Organization, 2002.